БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 10 (2558) | 14 январь, сешанба 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

МАШИНАЛАР КАРВОНИ — ҚИШЛОҚҚА

Заводимиз машинасозлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришда озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшиб келаётирлар. Корхонамиз маркаси билан чиқаётган пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар деҳқонларга жуда қўл келиб қолди. Эндиликда бу машиналар фақатгина Ўрта Осиё республикаларидагина эмас, балки ГДР, Руминия, Болгария, Индонезия, Польша ва бошқа мамлакатларда ҳам машҳур.

Корхонамиз аҳли автоприцеплар ишлаб чиқаришни йилдан-йилга муттасил орттириб бормоқда. Бундан 3—4 йил бурун ҳар суткада ишлаб чиқарилган прицеплар доналаб ҳисобланган бўлса, ҳозир юзлаб саналади. Биргина ўтган йили мобайнида 20 мингдан ортиқ машина тайёрлаб, қишлоққа жўнатдик.

Куни кеча мамлакатимиз бўйлаб тарқалган жонажон партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш ҳақидаги хабарни ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз ва хизматчиларимиз зўр мамнуният билан нутиб олдилар. Пленумда кўриладиган масала — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш масаласи биз, машинасозларга ҳам тааллуқлидир. Машиналар қанча кўп бўлса, деҳқонларнинг оғири шунча енгил тортаверади.

Бу йилдан бошлаб янги — тўрт тонналик прицеп ишлаб чиқаришга киришдик. Бу илгариги машиналарга қараганда анча серунум, иқтисодий жиҳатдан натта фойда келтирадиган прицеплардир.

Цехларимизда ҳозир меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурмоқда. Ҳаммамизнинг фикри-ёдимиз етти йиллик олтинчи йили топшириғини ҳам муддатидан эрта адо этишга қаратилган. Социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Айниқса темирчилик-пресслаш цехи коллективи жон куйдириб меҳнат қилаётир. Прессчилардан Круглова, Латнева, Шабалина, Буянова сингари ташаббускор ишчилар социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар.

М. САМАТОВ,
«Ташавтомаш» заводининг прессчиси.

ЮТУҚЛАР БИЛАН НИШОНЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги февраль Пленумини чақириш ҳақидаги хушхабар колхозимиз аъзоларининг қувончига-қувонч қўшди. Улар дала ишларини янада жадаллаштириш ва Пленумни меҳнат ғалабалари билан нишонлашга аҳд қилдилар. Улар далага маҳаллий ва маданий ўғит ташиб чиқаришни ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборишдилар. Ҳосил кам етиштирилаётган карталар кўпроқ ўғитга тўйдирилянди. Буни ўртоқ Рисқиев бошлиқ бригада мисолида ҳам кўриш мумкин. Бригада ўтган йили далага кам ўғит чиқариб пахта тайёрлаш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармасдан доғда қолган эди. Бу йил ўтган йилги аўл қўйилган камчиликка қатъиян барҳам берилади. Ҳозиргача бригада аъзолари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қариб бир ярим баравар кўп ғўза чиқариб қўйишди. Парпиев, Жабборов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам кўплаб ўғит ташиб чиқарилаётир.

Биз дала ишларини намунали ташкил қилиш билан бир қаторда, техника ремонтини ҳам уюшқоқлик билан олиб бораяпмиз. Пленум очиладиган кунгача қишлоқ хўжалик асбобларини тўла ремонтдан чиқарамиз. Кўплаб маҳаллий ўғит жамғарамиз.

М. ҚУЧҚОРОВ,
Ўрта Чирчиқдаги Энгельс номли колхозининг агрономи.

МИНЕРАЛ ЎҒИТДА ГАП КЎП

Бригадамиз деҳқонлари ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Пахта планимиз 124 процент қилиб адо этилди. Бунга сабаб шу бўлдики, биз колхоздан олган ўғитларни яхши сақлаймиз, экишдан олдин ҳам, ўсимликни ривожлантириш даврида ҳам ўғитдан баракали фойдаланамиз. Биз пахта ерларига маданий ўғитни солиб бўлгач орқасидан сув қуямиз. Бу ишга тажрибали сувчилар биркитиб қўйилган. Улар қатор ораларига сувни жуда жилдиратиб оқиздилар. Натижада ўғит ҳар бир ўсимликка тўғри тақсимланди. Агар биз карталарга сувни кўп қўйганимизда бундай ютуққа эришаолмас эдик. Чунки кўпгина ўғит сувнинг тез оқиши орқасида ҳамма ўсимликка бир текисда тақсимланмас эди. Бу йил ҳам суғориш агротехникасига тўла риоя қиламиз. Сувнинг нес-нобуд бўлишига йўл қўймасдан, ҳар бир картадаги ўсимликнинг сувни қониб ичишига ҳаракат қиламиз.

Бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми очиладиган кунга қадар ариқ-зовурларнинг ҳаммасини ремонтдан тўла чиқариш учун ҳаракат қиляптилар.

Қ. ХУЖАҚУЛОВ,
Бўкадаги Жамбул номли колхозининг бригада бошлиғи.

КОММУНИСТИК МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш ҳақида КПСС Марказий Комитетининг ахбороти эълон қилинди. 1964 йил 10 февралда чақириладиган бу Пленумда «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш учун ўғитлардан кенг фойдаланиш, суғориш ишларини ривожлантириш, комплекс механизациялаш ҳамда фан ютуқларини ва илғор тажрибани жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинади. Бу масала юзасидан СССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ И. П. Воловченко доклад қилади, иттифоқчи республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрлари қўшимча доклад қиладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети КПСС нинг тарихий XXII съезди қарорларини ва партиямиз Программасида белгилаб берилган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажариш учун қурашиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтириш ва мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни барпо этиш йўлида жуда катта революцион тадбирларни ишлаб чиқмоқда ва турмушга татбиқ этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган Пленуми химия саноатини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида химиядан ва минерал ўғитлардан кўпроқ фойдаланиш асосида деҳқончилик ишларини юқори поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш халқимиз олдига жанговар вазифа қилиб қўйди. Февраль Пленуми эса декабрь Пленуми олға сурган тадбирларни амалга оширишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг конкрет йўлларини донолик билан кўрсатиб берди. **Механизация билан бир қаторда химияни жорий қилиш, — деди Н. С. Хрушчев, — қишлоқ хўжалигида революция бўлади, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш сари йўл очиб беради, ўғитлардан кенг фойдаланиш ва ирригацияни ривожлантириш кўпгина районларда дон ва техника экинларидан муттасил юқори ҳосил олишни гарантиялаб қўйишга имкон беради.**

Декабрь Пленуми қабул қилган қарорда бундай дейилади: **«Коммунистик қурилиш манфаатларини кўзда тутиб, КПСС Марказий Комитети Пленуми халқнинг ва партиянинг эътиборини химия индустриясини жадал ривожлантиришга, халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун химиянинг муваффақиятларидан кенг фойдаланишга жалб этиш зарур деб ҳисоблайди».**

Эндиликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда химия ҳал қилувчи роль ўйнайди. Химия саноати ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар, химиявий воситалардан кўпроқ фойдаланиш деҳқончилик маданиятини оширишга, ерларимизнинг структурасини яхшилашга ва барча экинлардан муттасил мўл ҳосил етиштиришга катта имконият очиб беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда интенсивлаш туб масалалардан ҳисобланади. Ерлардан кўпроқ ҳосил олиш учун меҳнат унумдорлигини икки-уч баравар ошириш керак. Бу энг муҳим вазифадир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида, деҳқончилик ишларини кенг миқёсда комплекс механизациялаш, суғориш ишларини ривожлантириш ва ўғитлардан кенг фойдаланиш натижасида пахта, дон, сабзавот ва бошқа экинлардан йил сайин кўпроқ ҳосил олмоқдалар, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтирмоқдалар. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этаётган олимлар, қишлоқ хўжалигимизнинг ажойиб усталари, машъалари, қудратли техникаларимизни моҳирлик билан бошқариб, унинг мўъжизаларини кенг намойиш қилаётган колхоз, совхоз ишлаб чиқаришининг командирлари, пахта усталари, механиклар эндиликда ўнлаб, юзлаб ҳисобланади. Улар билан бутун халқимиз фахрланади. Қишлоқ хўжалигида фанимиз эришаётган ажойиб ютуқларни, деҳқончиликнинг донгдор кишилари тажрибаларини кенг оммалаштириш ва шу асосда умумий юксалишга эришиш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг энг муҳим ва жонажон вазифасидир.

Партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги февраль Пленумини чақириш ҳақидаги хабар бутун совет халқини, жумладан, областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Халқимиз бу Пленумни ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш ва халқ фаровонлиги ҳақида партиямиз томонидан қилинаётган буюк ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси деб ҳисобламоқда. Ҳамма ерда — қишлоқ ва шаҳарда, завод ва фабрикада, колхоз ва совхозда Пленум шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси бошланиб кетди. Кўкламга тайёргарлик ишларини ҳамма ерда намунали ўтказиш, мўл ҳосилга ҳозирдан пухта замин ҳозирлаш — Пленумга муносиб совғамиз бўлади.

Қишлоқ партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар олдида катта вазифалар турибди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, гектар бошига дон ва техника экинлари етиштиришни кўпайтириш асосида қишлоқ хўжалигини янада ривожланаборади. Шу сабабли партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб, янада зўр маҳорат билан раҳбарлик қилишлари, ўзларининг бутун куч ва ғайратларини қишлоқ хўжалиги учун химия очиб берадиган янги имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга сафарбар этишлари, халқимизнинг ижодий ташаббуси ва ғайратини партиямиз белгилаб бераётган улуғвор вазифаларни тўла бажаришга йўналтиришлари керак.

Тошкент пластмасса буюмлари заводи меҳнатсеварлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун кураша бориб, янги-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозир корхонада 100 хилдан ортиқ сифатли пластмасса буюмлари ишлаб чиқарилаяпти. Суратда: топшириқларни доимо ошириб адо этаётган пешқадам ишчи ўртоқ Р. Галиев.

А. Палехов фотоси.

«ФИДЕЛЬ-ХРУШЧЕВ — АБАДИЙ БИРГА!»

ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС МОСКВАГА КЕЛДИ

Социалистик революция Бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан, 13 январда Москвага келди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. А. Лесечко ва К. Н. Руднев, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий шахслар Куба Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Фидель Кастрони ва унинг ҳамроҳларини кутиб олишди.

Ҳурматли меҳмонни Москва меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар.

Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Мануэль Гарсиа Фуэнтес, Куба элчихонасининг дипломатик ходимлари, СССРдаги бир қанча чет эл дипломатик вакилларининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари аэродромда ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Кастронинг келиши муносабати билан фахрий қоровул саф тортиб турди, Куба Республикасининг ва ССР Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди, 21 марта тўп отилиб, Миллатлар салюти берилди.

Аэродромда Н. С. Хрушчев ва Фидель Кастро нутқ сўзладилар. Н. С. Хрушчев ва Фидель Кастро ўртоқларнинг нутқлари бир неча марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди, «Фидель-Хрушчев — абадий бирга!», «Яшасин Совет-Куба дўстлиги!», «Яшасин Фидель!», «Яшасин Хрушчев!» деган хитоблар эшитилиб турди.

Фидель Кастро Н. С. Хрушчев билан бирга аэродромдан чиқиб, шаҳарга, Москва Кремлида ҳурматли меҳмонга ажратиб қўйилган резиденцияга йўл олдилар.

Автомашиналар ўтиб бораётган кўчалар ва проспектлар Куба ва СССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Алвонларга Куба революцияси йўлбошчисини ва социализм қураётган Куба халқини қардошларча табрикловчи сўзлар ёзилган.

* * *

Куба революциясининг беш йиллиги байрамида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний бошчилигида Кубага борган совет делегацияси ҳам шу самолётда Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

ФИДЕЛЬ КАСТРО Н. С. ХРУШЧЕВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

МОСКВА, 13 январь. (ТАСС). Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус бугун Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлди.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент саноат область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. В. Каймаковнинг** «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми якунлари ва Тошкент саноат область партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ёқубов**, Янгийўлдаги гидролиз заводи партия ташкилотининг секретари **И. Н. Субботина**, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **В. С. Скребнев**, Чирчиқ электр химия комбинати аммиак цехининг компрессор машинисти **П. Ф. Скурихин**, Тошкентдаги резина-техника буюмлари заводи партия ташкилотининг секретари **В. А. Зазулина**, республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, химик-олим **К. Аҳмедов**, «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг бошлиғи **А. Соколов**, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. Муҳамедов**, «Чирчиқхиммаш» заводининг директори **В. Платонов** ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Н. В. Мартинов** нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси **В. Г. Ломоносов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. А. Карлов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

(Тошкент саноат область партия комитетининг пленуми ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида берилади).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ТЕХНИКА ШАЙ БЎЛСИН

Қизғин дам ортда қолди. Пахта йиғим-терими муваффақиятли тугалланди. Барча майдонлар сифатли шудгорлаб қўйилди. Лекин, деҳқон хотиржам ўтиргани йўқ. Энди навбаҳорни тўла шайланган ҳолда кутиб олиш, бунинг учун ерни тўйдириш, техникани шайлаш, суғориш шохобчаларини тартибга солиш, ўғит ташиб чиқариш ва бошқа ишларни бажариш зарур.

Ўтган қишлоқ хўжалик йили қувончли натижалар билан якунланди. «Бу йил ҳам ишимиз ўнгидан келсин, хирмонимиз баракали бўлсин, эл-юрт биздан миннатдор бўлсин» деган ҳис-туйғулар билан тўлиб тошган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мўл ҳосилга ҳозирданоқ мустаҳкам пойдевор қурмоқдалар. Мана, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасини олиб қўрайлик. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахоналарига кирсангиз қувониб кетасиз. Ҳайдов-тракторлари, плуглар, дон сеялкалари сифатли ремонтдан чиқариб қўйилган. Чопиқ тракторлари, чизеллар, ер текислагичлар, дискали ва тишли бороналар пешма-пеш созланаяпти. Уларнинг асосий қисми баҳорга аллақачон шайлаб қўйилган. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам техника ремонти ишлари яхши бораётир.

Аммо кўпгина колхозлар, совхозлар ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг раҳбарлари: «э, ҳали техникани ремонт қилишга вақт эрта, қишки ишларни бир ёқлик қилиб олайлик, ундан кейин бир гап бўлар кетар-да» деган зарарли кайфият билан яшамоқдалар.

Ҳозиргача областимизда ҳайдов тракторларининг 89 проценти, чопиқ тракторларининг 42,8 проценти, плугларнинг 90 проценти, чизелларнинг 29,4 проценти, ер текислагичларнинг 40 проценти, дискали бороналарнинг 34,6 проценти, тишли бороналарнинг 48 проценти ва дон сеялкаларининг 90 проценти ремонтдан чиқарилди, холос.

Айниқса Оққўрғон, Бекобод ва Янгийўлдаги хўжаликларда техника ремонти ишлари оқсаяпти. Бу ўринда Бўка ва Юқори Чирчиқ бошқармаларидаги айрим хўжаликларнинг раҳбарларини ҳам танқид қилишимиз керак.

Хўш, ремонт ишлари нега оқсаяпти? Асосий сабаб шундаки, кўпгина колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлмагани ҳолда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг мураккаб ремонти хўжалик устахоналарининг ўзида ўтказилаяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари бунга муросасозлик қилмоқдалар, техника воситаларини «сельхозтехника» устахоналарига ўз вақтида етказиб бериш тўғрисида қайғирмаётирлар.

Ремонт ишлари сифатсиз ўтаётганлигини билдирувчи кўпгина фактлар кишини ранжитади. Техника воситалари енгил-елпи ремонт қилинаётганлиги туфайли уларга қайтадан қўл уришга, кўпгина маблағларни ортиқча сарфлашга олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари ҳамда колхоз-совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, партия комитетларининг ходимлари олдида турган энг муҳим вазифалар шундан иборатки, қисқа вақт ичида барча техника воситаларини ремонтга қўйиш, ремонт сифатига доимий контроллик қилиб бориш, 1964 йилнинг баҳорига тайёргарлик кўриш юзасидан берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш лозим.

Хўжаликлар бўйнча техника ремонти графигини тузиш зарур. Бунда техникани белгиланган муддатгача тўла шайлаш кўзда тутилиши керак. Ремонт ишларига керакли миқдордаги механизаторларни жалб қилиш, уларнинг ишини тўғри ташкил этиш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш талаб этилади. Ремонт ишлари билан банд бўлган кишиларни қандайдир бошқа ишларга қўйиш қатъиян ман қилиниши керак. Техника ремонтини намунали ўтказаётган «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳамда илғор колхоз-совхозларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш лозим.

Дала ишларининг тақдирини ҳал қиладиган тракторлар, сеялкалар, чизеллар, бороналар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари қанча эрта ва қанча сифатли ремонт қилинса шунча яхши бўлади, қизғин кунлар бошланганда иш шунча осон кўчади.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ КАТТА ХИМИЯ УЧУН КУРАШДА

Халқ хўжалигини кенг миқёсда химиялаштириш учун бошланган умумхалқ курашига касаба союзлари ҳам ҳисса қўшишлари лозим. Ўзбекистон касаба союзлари советининг 10 январда бўлиб ўтган навбатдаги пленумида шу тўғрида батафсил гапирилди. Пленум ишида касаба союз советлари ва комитетларининг раҳбарлари, министрликлар ва бошқармаларнинг вакиллари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт новаторлари, ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, шунингдек илмий-техника жамиятларининг актив лари қатнашдилар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон касаба союзларининг вазифалари ҳақида Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов доклад қилди.

Химия саноатини жадал ривожлантириш юзасидан декабрь Пленуми белгилаб берган программани барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олганликлари, химия саноати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти эканлиги тўғрисида докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар гапириб бердилар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХИМИЯЛАШТИРИШ — МУҲИМ ИШ

Пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг химияни ривожлантириш юзасидан берган топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашга касаба союзлари муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Касаба союзларининг область қишлоқ советлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг комитетлари минерал ўғитлардан ва ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг химия воситаларидан рационал фойдаланишга эришмоқдалар.

Илғор совхозлардаги касаба союз комитетлари мисол қилиб келтирилди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчилар комитети ва раҳбарлари пахтачиликни химиялаштиришнинг аниқ ишлаб чиқилган планини амалга оширмоқдалар. Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, деҳқончиликка илғор агротехника ва комплекс механизацияни жорий этиш туфайли бу хўжаликда об ҳавоси ғ ҳар қандай инжиқликларига қарамай, ҳар йили пахтадан гектар бошига 32 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи атиги 17 сўм 70 тийинга тушмоқда. Юксак даражада рентабелли бўлган бу совхоз давлатга катта фойда келтирмоқда. «Совой», «Сурхон», «Гулбоғ», «Малик» совхозлари сингари бошқа совхозлар ҳам химиянинг афзалликларидан моҳирлик билан фойдаланмоқда. Бироқ, Самарқанд қишлоқ область касаба союз советининг раиси Ш. Ширинбоев айтганидек, қишлоқ хўжалигида химиядан тўғри фойдаланиш тўғрисида ҳамма касаба союз ташкилотлари ҳам гамхўрлик қилаётир, деб бўлмайди. Бу гап айниқса «Гулбулоқ», «Зарафшон», «Деҳбит» совхозлари сингари хўжаликларга тааллуқлидир, бу совхозларда ерга солинаётган ўғитлардан оз самара олинмоқда.

Минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни тўғри асраш ва ташиб олиш устидан қаттиқ жамоат контроли ташкил этишга етарли эътибор бермаётган айрим қишлоқ касаба союз советлари ва комитетлари пленумда кескин танқид қилинди. Шу нарса қайд қилиндики, «Узсельхозтехника»нинг Избоскан, Олтиариқ, Гулистон, Норпой ва бошқа бирлашмалари бир неча ойдан бери ўғитларни ташиб олмаётганликлари ва бу ўғитлар очиқ ҳавода ёта бериб бузилиб қолаётганлиги учун касаба союз ташкилотлари жавобгардир.

МУСОБАҚА БАЙРОҒИ БАЛАНД КЎТАРИЛСИН

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан нотиқлардан — Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши химия саноати бош бошқармасининг бош инженери Б. Чориев, Чирчиқ электрохимия комбинати касаба союз комитетининг раиси М. Носиров, Андижон гидролиз заводининг ишчиси Ю. М. Карамишев ҳам химия саноатини қўлга киритган ютуқлар тўғрисида, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кўпайиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Ўзбекистон корхоналарининг коллективлари бу йил олиб борган меҳнат мусобақасининг якуни шу бўлдики, республикамиз пландан ташқари ана шу қимматли маҳсулотдан юз минг тонна ишлаб чиқарди.

Республика химия индустрияси корхоналарида ишлаб турган ҳар ўн ходимнинг тўққизтаси коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда, бу ҳаракат жараёнида қимматли ташаббуслар туғилмоқда. Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи таннархи мамлакатда энг паст бўлган минерал ўғит ишлаб чиқаришга эришди. Қўқон химиклари мамлакатда биринчилардан бўлиб аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Самарқанд суперфосфат заводининг ишчилари етти йилликни беш йилда адо этдилар.

Новомосковск ва Невинномисск химия комбинатларида химия корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва янги қувватларни ишга туширишнинг муддатларини қисқартириш учун бошланган мусобақага Ўзбекистон химия корхоналарининг кўпгина қурувчилари ва ишчилари ҳам қўшилди. Касаба союз комитетлари пластмасса ва бошқа синтетик материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мусобақа ташкилотчилари бўлиб чиқмоқдалар.

Бир қанча нутқларда химил индустриясини жадал юксалтириш учун курашда химия машинасозлигининг роли катта эканлиги уқтириб ўтилди. «Узбекхиммаш» заводининг новаторлари бир қанча қимматли янгиликларни жорий этдилар, улар химия саноати корхоналари учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдилар.

Республика касаба союз ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май Пленумидан сўнг химия корхоналарини қуриш ва реконструкция қилишнинг борыши устидан контролни кучайтирди. Контроль комиссиялари, штаблар ва постлар актив ишлямоқда, булар составида бир ярим мингдан кўпроқ актив бор.

Корхоналардаги ўнларча ижодий бирлашмалар химияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида республика илмий-техника жамиятлари советининг раиси, республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси М. Хамитхонов гапириб берди. Бир ярим йил мобайнида Менделеев номидаги химия жамиятининг бошланғич ташкилотлари уч баравар кўпайди. Уларнинг кўпчилиги ўз корхоналарида техника кенгашлари вазифасини бажармоқда. Фарғона фуран брикмалари заводида, Қўқон суперфосфат заводида химия жамияти бошланғич тишкилотлари ишлаб чиқаришнинг янги, анча мукаммал технологиясини ишлаб чиқди. Чирчиқ электрохимия комбинатида жамоат конструкторлик бюроларига бирлашган юз мутахассис юксак коммунистик онглилик намуносини кўрсатиб ишламоқда. Уларнинг таклифлари ўғитлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга ёрдам берди, йилига юз минг сўм тежам келтирмоқда.

Шу билан бирга кўпгина касаба союз ташкилотлари корхона ва қурилишлар коллективларининг меҳнат ҳаётига ҳамиша ҳам яхши эътибор бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Нефть ва химия саноати ишчилари касаба союзининг республика комитети қаттиқ танқид қилинди. Бу комитет илғор тажрибаларни пропаганда қилиш ҳақида, мусобақа натижаларини доим эшитириб бориш ҳақида яхши гамхўрлик қилмаётир. Масалан, Қўқон суперфосфат заводининг донгдор аппаратчиси С. Турсунхўжаев ва химия саноати бошқа илғорларининг иш тажрибасини оммалаштириш учун бу комитет ҳеч қандай иш қилгани йўқ. Тошкент, Фарғона, Андижон ва Самарқанд саноат область касаба союз советлари илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйишга кўпроқ эътибор беришлари керак.

КИШИЛАРГА ГАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Улкан химияни ривожлантириш меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишда олға томон қўйилган катта қадам бўлади, — деди Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Барабаш. Ўзбекистонда пластмасса, химиявий толалар ва бошқа синтетик материаллар ишлаб чиқаришни ошириш юзасидан белгиланган план амалга оширилиши натижасида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш мисли кўрилмаган даражага етади. Бевосита иш жойларининг ўзида меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда касаба союз ташкилотлари маиший хизмат корхоналарига ёрдам беришлари, хизмат кўрсатиш сифатини контроль қилишни кучайтиришлари зарур.

Самарқанд суперфосфат заводининг бош инженери К. Д. Садовский, Қўқон суперфосфат заводининг печниги Ш. Мелибоев химия ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирдилар. Улар химиклар учун уй-жой қурилишини кучайтириш, ишчилар яшайдиган поселкаларни, химия корхоналарини ободонлаштириш, иш ҳақини тартибга солиш, ишчиларни коржомалар билан таъминлаш, уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўртага қўйдилар.

Химиклар меҳнатини муҳофаза қилишнинг катта аҳамияти борлиги, химия корхоналарида хавфсизлик техникаси нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилишнинг алоҳида аҳамияти борлиги уқтириб ўтилди.

Пленум қатнашчилари химия билимларини илмий-техника ва ий жиҳатдан кенг пропаганда қилишдаги касаба союзларнинг катта ролини кўрсатиб ўтдилар. Ҳаммага химия билимларини ўрганиш ташаббускори бўлиб чиққан, республикада биринчи бўлиб химия билимлари халқ университетини барпо этган самарқандликларнинг ташаббуси маъқулланди. Агрохимия асосларини ўрганиш мактаблари ва тўгаракларини кўпайтиришда, дейилди пленумда, илмий-техника жамиятлари ва касаба союзларга қарашли бошқа ташкилотларнинг ролини ошириш лозим, касаба союз ходимлари ва активлари химия билимларини ўрганиб олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. В. Мартинов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ГАЗНИНГ ҲОСИЯТИ

Аммонийлик минерал ўғитлар қишлоқ хўжалигида ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамма билади. Лекин аммиак ишлаб чиқариш технологиясини ҳамма ҳам яхши билавермайди.

Одатда аммиак ишлаб чиқариш учун аввало водород ва азот газини олиш керак. Бунинг учун эса кўмир, конс ва бошқа хомашёлардан фойдаланиш керак бўларди.

Кейинги пайтларда водород олиш учун асосан табиий газлардан фойдаланиладиган бўлди. Бунинг учун газни юқори температурада ўта иситилган сув билан ишланади. Шундан кейин водород бошқа газлардан тозалаб, ажратиб олинади.

Чирчиқ электрохимия комбинатида табиий газ асосида аммиак ишлаб чиқариш ўзлаштирилгандан сўнг, бир тонна аммиакнинг таннархи 76,4 сўмдан 50,8 сўмга арзонлашди. Янги технологияда ишлашнинг энг муҳим аҳамияти шундан, меҳнат шароити оғир бўлган цех ёпилди. Уч юз ишчи енгил ишга кўчирилди.

Комбинат газлаштирилган водород ажратиб олиш учун керак бўлган 450 минг тонна кўмирни ташиб келтиришга эҳтиёж қолмади.

Корхонада аммиакни буғлатувчи станция, газни тозалайдиган мис-аммонияли станция, 320 атмосфера босимида газни синтез қиладиган колонналар ва бошқа бўлимлар тўла автоматлаштирилди.

Буларнинг барчаси аммонийлик минерал ўғитларнинг таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш учун имкон беради.

Х. КАРИМОВ,
Тошкент Давлат Политехника институтининг ассистенти.

ЁН ҚЎШНИМ...

...Кўча эшик тақиллагандай бўлди. Тожибой сергакланиб, дераза ёнига келди. Пардани кўтариб ҳовлига мўралади. Шамол билан майда қор ёғарди. Айвон пештоқида осилиб турган лампочка лапанглаб, ҳовлидаги бир неча туп шафтолининг хипчиндек ялангочланиб қолган шохлари соясини гоҳ у ёққа — гоҳ буёққа итқитади.

Шу топда эшик яна тақиллади. Тожибой бу сафар аниқ эшитди. Дарров қаддини ростлади.

— Лаб-бай!

Тожибой илдам бориб уй эшигини очиб, ҳали олди ўралмаган айвонга чиқди-ю, яна дарров қайтиб кирди: совуқ шабада нафасини қайтариб юборди.

Кенжатой — Заҳрони ухлатиш учун эндигина ёнбошлаган Фарида тирсакка таяниб турди.

— Ки-м?— сўради у чўзиб.

— Чопоним қани? — Тожибой хотинининг саволига савол билан жавоб берди. Қозиқда турган чопонига кўзи тушиб, елкасига ташлади-ю, ҳовлига тушди.

...Нотаниш йигитча Тожибой акани кўриб ийманиб салом берди.

— Келинг, ука келинг!?— Тожибой йигитчани уйга таклиф қилди.

— Раҳмат, Тожибой ака,— йигитча кескин бош чайқади. Этигининг қорини қоқиб бир зум иккиланиб туриб қолди.

— Мен Анорбойман,— деди у анчадан кейин ноқулайроқ жилмайиб.— Эсингиздами, ҳов анув куни Раҳимберди аканинг тўйида бирга бўлгандик.

Тожибой боядан бери уни қаерда кўрганини эслай олмай турганди. Энди таниди. Ўнг юзидаги қизғин доғидан таниди.

— Э—э, бўлди-бўлди!— деди жилмайиб.— Юринг, уйга кирайлик.

— Раҳмат!— Анорбой яна кескин бош чайқади.— Сиздан бир нарсани маслаҳат сўрамоқчи эдим... Бу йил институтга киролмадим. Қиш бўйи бекор юришга ҳам сабрим чидамаяпти. Ўша куни сиз цехда янги участка ишга туширилди, дедингиз. Шу участкада ишласам қанақа бўларкин-а?

— Жудаям яхши бўлади!— Тожибой соддалик билан кулиб қўйди.

— Тўппа-тўғри кадрлар бўлимига борсам ҳам бўлардию, аввал сиздан маслаҳат сўрай дедим.

— Жудаям яхши бўлади! Кўнлимдан келган ёрдамимни аямайман. Хоҳласангиз ўзим шогирдликка оламан.

— Раҳмат... — Анорбой маминун жилмайди. — Бўлмаса эртага эрта билан заводга бирга борамиз.

— Хўп бўлади, ука...— Тожибой йигитчани кўча бошигача кузатиб қўйди.

Қизчасини қўлида тебратиб ўтирган Фарида, Тожибой эшикдан кириши билан ховотирланиб сўради.

— Тинчликми?

— Тинчлик...

Тожибой бурчакда турган кроватга оҳиста чўкди. Сукунат яна чўқурлашди. Ҳаёл қуюни Тожибойни яқин ўтмишга — ўсмирлик йилларига етаклади.

Қизиқ, инсон тақдири тоғ сўқмоғига ўхшамадими? Гоҳ баланд-баланд чўққиларга етаклайди, гоҳ пастга тушиб кетади. Шунақа пайтларда битта йўлбошчинг бўлса адашмай кетаверасан, янглишмайсан ҳам, йўлингдан тойиб кетмайсан ҳам. Айниқса ёшлик чоғларингда шундай бўлади. Мана, Анорбой институтга киролмабди. Шу билан унинг олдидаги ҳамма йўллар бекилдими? Йўқ, асло! Мақсад сари бораверiш керак!

Тожибойнинг ўзи-чи? Йўқ, унинг ёшлиги ҳозиргиларникидан анча оғирроқ даврга — бўронли уруш йилларига тўғри келди. Ҳунар мактабини битириб, «Таштекстильмаш» заводига слесарь бўлиб ишга кирганида ўн олти ёшли ўсмир эди. Ўшандан бери мана салкам йигирма йил ўтиб кетибди. Йўқ, баҳор тошқинларидек дув этиб ўтиб кетган ёшлик йилларига Тожибой ачинмайди, ҳеч ачинмайди! Бу йилларнинг ҳар бири унинг ҳаётида чуқур из, умр дафтарида ўчмас хотиралар қолдирди.

Тожибой бир ерда темирчилик-пресслаш цехининг ўзида салкам йигирма йил ишлади. У бир жойда ишлади-ю, аммо бир ерда тўхтаб қолмади. Йигитнинг кўз ўнгида озмунча янгиликлар рўй бердими? Айниқса янги — пластмасса участкаси ишга туширилгандан бери катта ўзгаришлар бўлди. Металлдан тайёрланганда 20 та операциядан ўтадиган деталлар энди фақат битта операция — пресслаш билан қипиқдан ясаладиган бўлди. Капрондан, пластмассадан тайёрланадиган деталлар бўлса жуда арзон тушади. Тожибойнинг ўзи ҳам Сергей Лозовиков, Мария Тёмкина, Фира Клейманлар каби янги касбда — пресловчи бўлиб ишлай бошлади. Мана, уларнинг сафига яна бир азамат йигит — Анорбой ҳам қўшилади энди.

...Тожибой Анорбойни цехга бошлаб кирганида ҳамма жой-жойини эгаллаган, иш энди бошланай деб турганди. У пресс-станок ёнида турган мастер Алексей Уливвиннинг ёнига борди.

— Кўрляпсанми, Лёня, янги шогирд бошлаб келдим:

— Анорбой Турсунов, азамат йигит!

— Яхши, жуда яхши,— мастер киприкларини пирпиратиб тез-тез гапирди — Энди ўзинг ҳунар ўргатасан-да, хўп-ми?

...Ўшандан бери орадан яна икки йил ўтди. Тожибой ўз ваъдасининг устидан чиқди. Шогирди Анорбой ўзи билан бемалол беллашадиган бўлди. Анорбойнинг укаси Мираъзам ҳам Тожибойнинг қўлида ҳунар топди. Ҳозир ҳунарини сменадош. Ҳунарлари ҳам йиллик планни ошириб бажаришди

Дарвоқи, шу икки йил ичида Тожибойнинг ҳаётида яна анча қувончли воқеалар рўй берди. Участкада пластмассадан тайёрланадиган деталларнинг сони 250 дан ошди. Ўтган йили худди шу деталлар учун Тожибой СССР Халқ хўжалик ютуқлари выставкасининг бронза медали билан мукофотланди. Шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Область халқ судида маслаҳатчи бўлиб қатнашаяпти.

* * *

Мен ён қўшним Тожибой Раҳимовни ҳар куни кўраман. Уни мақтамоқчи эмасман. Унинг ҳақида ўзим билган, заводда у билан ёнма-ён туриб ишлаётган Анорбой, Мираъзамлардан эшитган гапларимни айтдим, холос.

Ў. ҲОШИМОВ.

Троицк поселкасида жойлашган Чирчиқ шаҳар кутубхонаси кечқурунлари ишчилар, хизматчилар билан гавжум бўлади. Айниқса Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективи кутубхона хизматидан унумли фойдаланаяпти. Кутубхона китоб фондига бой. У ердан саноат, қурилиш, электротехника, радиотехникага оид махсус адабиётлардан ташқари классик адибларимиз асарларини ҳам топиш мумкин. Суратда: кутубхоначи Ж. Ўрозбоқова Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинати электр пайвандчиси И. Поповга пайвандлаш техникасига оид адабиётни тақдим этаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Трамвай-троллейбус парклари-нинг тонги ҳар доим барвақт отади. Вагон ҳайдовчилар, кондукторлар эрта саҳардан ўз ҳамшаҳарларини корхоналарга, узоқ-яқин манзилларга тезроқ элтиш учун ошиқадилар. Биргина 2-трамвай парки дарвозасидан ҳар тонг 164 вагон чиқиб, 5 маршрут бўйлаб шаҳримизнинг турли бурчаклари томон йўл олади.

Парк коллективи доимо меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашиб катта натижаларга эришди. Рационализаторлар, вагонлардан ремонтсиз узоқ фойдаланиш йўлларини кидириб топишаяпти. Ш. Ҳусниддинов, П. Шадрин, С. Заҳатимов каби янгилик ошиқларининг ишлаб чиқаришга жорий этган қимматли таклифлари билан 1963 йилда 3,5 минг сумдан ортиқ маблағ тежаб қолинди. Эндиликда трамвай рамалари анча мустаҳкамланди, электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш йўллари аниқланди. Булардан ташқари парк трамвайчилари бошқа ташкилот ишчилари билан ҳамкорликда ҳозирги кунда Оқтепа-Қўкча маршрути бўйлаб қатнаётган 11-трамвай линияларини ҳам муддатидан олдин фойдаланишга топширишда зўр ғайрат ва шижоат кўрсатишди.

Паркнинг бошқа касбдаги кишилари ҳам барча имкониятлардан унумли фойдаланиб ойлик топшириқларини доимо ошириб бажаряптилар. Ларионова, Иброҳимова, Бодунова, Тўхтаев каби 28 пешқадам кондуктор шу кеча-кундузда февраль ойи ҳисобига ишламоқдалар.

Ҳ. МУҲАММАДЖОНОВ.

ХАЛҚ МУЛКИНИНГ СОҚЧИЛАРИ

Калинин район партия-давлат контроли комитети ўз ишини жамоатчилик асосида ташкил этганлиги учун ҳам муваффақиятлар унга ёр бўлмоқда. Район хўжаликларидаги майда-чуйда камчиликлар ҳам жамоатчи назоратчилар — Ҳафиз Бозоров, Маҳсум Маъзумов, Георгий Важев, Михаил Ёқубов, Эргаш Раҳимов, Неъмат Бекбўлатов, Маҳсум Хўжаев каби пенсионер отахонларимиз қўзидан қочмайди. Бу ҳурматли кексалар ишдаги нуқсонларни бартараф этишда район комитетига яқиндан ёрдам беришаяпти.

Партия-давлат контроли комитетига кўмаклашиш учун тузилган 7 штатсиз бўлимдан ташқари меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини текширувчи маҳсус бюро ҳам ташкил этилган. Бюро аъзоларининг деярлик ҳаммаси пенсионер ва жамоатчи активларидан иборат.

Биргина шу эмас. Район хўжаликларида 71 та кўмаклашиш группаси, участка, бўлим, бригаларда эса 167 та кўмаклашиш постлари ташкил этилган. Уларда 1 минг 350 дан ортиқ жамоатчи назоратчилар иш олиб боришаяпти. Бу жонкуярлар ўтган хўжалик йилда кўйилаётганлигини аниқладилар. Айрим савдо ходимларининг ҳаридорлар ҳақидан уриб қолаётганликлари ҳам маълум бўлди. Бу аҳвол партия-давлат контроли комитетида муҳокама қилинди ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Текширишдан сўнг нон маҳсулотлари сифати яхшиланди, меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилди.

— Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленумидан кейин, — дейди район партия-давлат контроли комитетининг раиси Давлат Айтқулов, — кўмаклашувчи группалар ўз ишларини яна ҳам жонлантириб юбордилар. Ҳозир «Коммунист» колхозлари ҳамда «Тошкент» ва «Назарбек» совхозларидаги кўмаклашув группалари куз палласида айниқса зўр ғайрат қилишди. Улар ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрната билдилар.

Жамоатчи контролёрлар яқинда Қорасув, Қибрай, Дўрмон матлубот жамиятлари ва Оржоникидзе посёлкасидаги нон заводида ҳам текширишлар ўтказдилар. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, «Коммунист» колхозининг адресига келган бир вагон минерал ўғит станция ва колхоз раҳбарларининг бепарволиги билан Қодирё станциясида бир неча кун туриб, сифати анча бузилиб қолган.

«Узсельхозтехника» район бўлими ихтиёрига юборилган тўрт вагон фосфорли ўғит ҳам ўз вақтида ташиб кетилмаган.

Кўмаклашув группа аъзоларининг сигнали билан бу камчиликлар бартараф этилди. «Узсельхозтехника» район бўлимининг Қодирё темирйўл станциясидаги базаси мудирлари Хачатурян ва Аҳмедовлар ўз бепарволиклари учун тегишли жазо олдилар.

Жамоатчи назоратчилар ҳаракатда. Тиниб-тинчмаслар ғайрати билан район хўжаликлари камчиликлардан ҳалос бўляптилар. Ҳамма улардан хурсанд.

Э. ЮНУСОВ.

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ЎҚИМОҚДА

Тошкент шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти Ўзбекистон ССР бўйича «Новости» матбуот агентлигининг мухбири И. М. Сигаловнинг «АПН» фаолияти ҳақидаги лекциясига бағишланди.

Машғулотнинг иккинчи қисмида «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактор ўринбосари Санжар Тилла «Газетада адабиёт ва санъат масалаларининг ёритилиши», «Ташкентская правда» газетасининг ходими В. Воробейчиков «Газета учун ёзилган мақолаларни таҳрир қилиш» ҳақида лекция ўқидилар.

И. РУСТАМОВ.



Тошкент «Автотрактродеталь» заводи коллективи қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган янги осма пуркагич ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Суратда: пешқадам йиғувчи слесарь Шермирза Ҳайитметов. У янги агрегат қисмларини йиғиб бериш топшириқларини муттасил ошириб адо этаяпти.

В. Сироткин фотоси.

ҚУРИЛИШ ЗАВОДДАН БОШЛАНАДИ

Қаёққа қараманг, қурилиш. Қаерга борманг, янгидан қад кўтараётган осмонўпар бинолар. Саноат, ўй-жой маданий-маиший бинолар қурилиши кенг кўламда олиб борилаётгани туфайли бинокорлик материалларига, биринчи навбатда йиғма темир-бетон блоклар ва конструкцияларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу сабабдан бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида қурилиш эҳтиёжини тўла қондиришдек шарафли вазифа турибди.

Кейинги йилларда районимизда бу соҳада муҳим қадам ташланди. Биринчи темир-бетон заводи, қурилиш материаллари комбинати, гипс, ёғоч буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар реконструкция қилинди, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, сермеҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилди. Натижада мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати анча ошди. Шулардан бири 1-темир-бетон буюмлари заводидир.

Бу корхона етти йил илгари шлак-блок цехи базасида қурилган бўлиб, ўша даврда йилига атиги 10 минг кубометр темир-бетон маҳсулоти ишлаб чиқара оларди.

Ўтган йиллар мобайнида завод ҳар жиҳатдан юксалди. У реконструкция қилинди, янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, илғор технология ишлаб чиқаришга жорий этилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати дастлабки даврдагига нисбатан деярли ўн баравар ортди, тайёрлаётган маҳсулотларининг сифати анча яхшиланди.

Заводда сифат жиҳатидан мукаммаллашган, иқтисодий жиҳатдан арзонга тушадиган прогрессив конструкциялар ишлаб чиқарилаётганлиги қувончли ҳолдир. Бу корхонада олдиндан тараиг қилиб тортилган конструкциялар тайёрлашга кенг ўрин берилмоқда. Агар 1957 йилда завод фақатгина 1,7 минг кубометр ҳажмда шу хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилга келиб, 57 минг кубометр тайёрлаб берди. Бундан ташқари ғовакли плиталар, турли хил балкалар, 24—30 метр узунликдаги фермалар ўзлаштирилиб, қурилишлар учун кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Меҳнатсевар коллектив ижодий таклифлар киритиш, ички резервларни ишга солиш ҳисобига унумдорликни ошириш ва маҳсулот таннархини анча камайтиришга муваффақ бўлди. Етти йилликнинг бешинчи йилида 1957 йилдагига қараганда меҳнат унумдорлиги икки марта ошди, ҳар бир кубометр йиғма темир-бетоннинг таннархи 1,7 марта камайди. Ўтган йилнинг ўзидагина олдиндан тараиг тортилган конструкцияларни кўплаб ишлаб чиқариш натижасида 668 тонна металл, 2164 тонна қурилиш «нони» — цемент тежаб қолинди.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда корхона партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг салмоқли ҳиссаси бор. Заводни кенгайтириш, янги техника ва технологияни жорий қилиш, ички резервларни ишга солиш, коммунистик меҳнат тантанаси учун мусобақасини авж олдириш, ихтиро чилик ва рационализаторлик ҳаракатини кенгайтириш, ишчи ва хизматчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида турмоқда. Партия ташкилоти ўз йиғилишларидан бирида энг қолоқ участка — транспорт цехи ишини яхшилаш ва ички резервларни ишга солиш масаласини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилди, тегишли тадбирлар белгилади.

Эътироф этиш керак. Завод ҳали камчиликдан ҳоли эмас. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотнинг бир процента бракка чиқиб кетмоқда. Бу эса 900 кубометр темир-бетон деган гапдир. Навбатдаги вазифа ана шу нуқсонни бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

Бу йил корхонада ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади. Ялпи маҳсулот тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда 15 процент кўпаяди, меҳнат унумдорлиги эса 9,6 процент ўсади. Бу вазифани бажариш учун корхона партия ташкилоти бутун эътиборни заводни реконструкция қилишни тугаллашга, янги техника ва илғор технологияни изчил жорий этишга, ишчилар ва хизматчилар ўртасида снёсий-тарбиявий ишларни янада жонлантиришга қаратмоғи керак.

Ҳозирги вақтда бинокорликда прогрессив усулга кенг йўл очилмоқда. Йиғма темир-бетон конструкциялар қурилишда асосий материаллардан бири бўлиб қолди. Завод коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун барча имкониятларни ишга солиши лозим.

И. МАНЮХИН,
Д. ЖАМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг инструкторлари.

САМАРАЛИ ЙЎЛ

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИ

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий ходимларининг химия ва биология фанлари соҳасида қўлга киритган ютуқлари самарали ва қувончли бўлди. Ботаника институти ходимлари ҳам кейинги икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалигини юқори босқичга кўтариш учун ўзларининг озиқ-овқатлик ҳиссаларини қўшдилар.

Институтнинг илмий ходимлари турли химиявий препаратлар тайёрлаш йўли билан юқори ҳосил етиштиришда қишлоқ хўжалик ходимларига яқиндан кўмаклашаяптилар. Ҳозир институтнинг 18 та лабораторияси ва бир неча тажриба станцияларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

— **Чорва молларни оқсил моддалар билан таъминлаш ҳозирги вақтда чорвачиликда энг қийин ва кескин проблемадир,** — деган эди Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида қилган докладида.— Рационларда оқсил моддаснинг етишмаслиги орқасида ем-хашак ортиқча сарф бўлиб келяпти, маҳсулдорлик камайиб, чорва моллар секин ўсяпти. Оқсил моддасининг етишмаган қисмини икки йўл билан: ё организмнинг ўзи оқсил моддасини ишлаб чиқарадиган синтетик дориворларни ем-хашакка бевосита қўшиб бериш, ёҳуд рационга химиявий ва биохимик дориворларни қўшиш ёрдамида чорва молларининг оқсил моддали дағал ем-хашакни яхшироқ ҳазм қилишдан иборат билвосита йўл билан тўлдириш мумкин».

Экспериментал ботаника лабораторияси ходимлари сувсиз ерларда ҳам чорва моллари учун ем-хашак етиштириш мумкинлигини амалда исботлаяптилар. Лаборатория ходимлари чорвачилик мутахассислари билан бирга сунъий яйловлар барпо қилиш, ҳар қандай қурғоқчилик келган йилларда ҳам бу сунъий яйловларда муттасил юқори ҳосил етиштириш проблемасини ҳал қиляптилар. Бунинг учун йил бўйи озуқа бўладиган кўп йиллик, қурғоққа чидамли ўтларни ўстириш тажрибада синаб кўрилди.

Олимлар тавсия этган кўп йиллик, қурғоққа чидамли ўтлар қорақўлчилик хўжаликларидан бири ҳисобланган Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Нишон» Давлат наслчилик совхозида синаб кўрилди ва ижобий натижаларга эришилди. «Изен-терескен», «чагон», «полин», «қора саксаул», «оқ саксаул» ва шу каби қуруққа чидамли ўсимликлар минг гектарлаб ерга экиб кўрилди. Қуруққа чидамли ўсимликлар ўстирилган майдонларда чўл табиати кескин ўзгарди ҳамда бу ерлардан саккиз-ўн ҳисса кўпроқ ҳосил олинди.

Бу ўсимликларнинг яна бир афзаллиги шундаки, «изен-терескен», «саксаул» экилган майдонларда намлик яхши сақланади. Айни вақтда улар шамолни тўсади. Буидай табиий яйлов ўтларининг ҳосилдорлиги оддий яйловлардагига қарагандa икки-уч баробар кўп бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўрсатмаси билан республикамизнинг ҳамма қорақўлчилик колхоз-совхоз хўжаликларида «изен-терескен» ва бошқа хил центаур, полин каби ўтлар экиладиган майдонларни барпо этиш билан яйлов табиатини ўзгартириб, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилмоқда. Ҳозир Сурхондарё областидаги «Нишон», «Ғузор», «Ўзбекистон», «Большевик», Бухоро областидаги «Коммунизм», «Муборак», «Қорақум», «Конимех», Самарқанд областидаги «Озғон», «Қизилча», «Ленинчи чорвадор», Ленин номли совхозларнинг қорақўлчилик хўжаликлари изен уруғини йиғишда институтга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозир бу совхозларда бир минг 800 килограммдан кўпроқ изен уруғи тайёрланди.

«Изен-терескен» ҳар қандай қурғоққа бардош бераоладиган ва совуққа чидамли, ўриб олганда ҳам яна яхши ўсаверадиган ўсимликдир. У, озуқа бирлиги жиҳатидан ҳам беда каби қимматбаҳо яримбўта ўсимлиги ҳисобланади.

«Изен-терескен» иқтисодий жиҳатдан ҳам анча фойдалидир. «Нишон» Давлат наслчилик совхозидан олинган маълумотларга қараганда, «изен-терескен» экилган майдонларнинг ҳар юз гектарида қўшимча равишда 250—300 қўй боқиш мумкин. Ваҳоланки, табиий яйловларнинг ҳар юз гектарида 27—30 қўй боқилади, холос. Бошқача қилиб айтганда, «изен-терескен» экилган сунъий яйловларда 10—12 баравар кўп қўй боқилади.

Республикамизда ўтган йили 2 минг гектардан ортиқроқ майдонга «изен-терескен» экилди. Шу йилдан бошлаб эса «изен-терескен» эккан хўжаликлар ўз уруғликларига эга бўладилар. Шу тариқа бу хўжаликларда чўл шароитида қўйлар учун ҳам қишки, ҳам ёзги мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилади.

Институтнинг академик Музаффаров бошлиқ сув ўсимликлари лабораторияси ходимлари ҳам чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Лабораториянинг ёш олимларидан Ҳ. Бердиқулов чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланган хлореллани кўпроқ ўстириш устида иш олиб бораяпти. Хлорелла бир хужайрали сув ўти бўлиб, унинг таркибида оқсил, ёғ, углевод ва турли витаминлар бор. Шунингдек, унда 50 процент оқсил, 20—30 процент ёғ ва углевод сақланажаги аниқланди. Витамин «С» лимонда қанча бўлса, хлорелла таркибида ҳам шунчадир.

Шу мақсадда хлорелланинг сунъий ўстиришнинг турли усуллари ишлаб чиқилмоқда. Хлорелла чорва моллар емига қўшиб берилади. Калинин бошқармасидаги чорва молларни бўрдоқига боқиш базасида хлорелла синаб кўрилди. Емига хлорелла қўшиб боқилган чўчқаларга оддий ем билан боқилган чўчқаларга қараганда ўртача 30 процент, қорамоллар эса ўртача 22 процент семиради. **Демак, бир хужайрали сув ўтларини, жумладан хлореллани сунъий кўпайтириш йўли билан чорва моллари озуқа ресурсларини оширишга эришилади.**

Институтнинг микробиология бўлимидаги мавжуд олтита лаборатория асосан пахтачиликни ривожлантириш ишлари билан шуғулланади. Улар ғўзада учровчи вилт касаллигини бартараф этиш устида илмий-текширишлар ўтказдилар. Улар ўсимлик антибиотикларидан вилтга қарши кураш йўлларини топдилар.

Кўп йиллик илмий-текшириш ишлари шуни кўрсатдики, пахикарпин препаратининг чиқиндиси вилт касаллигининг душмани экан.

Илгари пахикарпин препаратининг чиқиндиси бекорга ташлаб юборилади. Эндиликда уни химиявий йўл билан қайта ишлаб, вилт касалига қарши курашда қўлланилмоқда.

Ғўза шоналаган ҳамда гуллаган пайтида анабазин ва софокарпин билан пуркалди. Натижада дорилланган майдонлардаги ҳар туп ғўзада бошқа майдонлардагига нисбатан икки-учтадан кўп кўсак тўпланди.

КПСС Марказий Комитетининг кишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланиб ўтказиладиган навбатдаги Пленумини чақириш ҳақидаги ҳушхабар институт коллективини илҳомлантириб юборди. Шу кунларда институт олимлари ўзларининг куч ва имкониятларини янги химиявий препаратлар яратишга ва бу кашфиётларни қишлоқ хўжалигида кенг жорий этишга қаратаётирлар.

С. АСҚАРОВА,
Биология фанлари кандидати.

Шу кунларда Янгийўлдаги илғор «Партия XIX съезди» колхозининг механизаторларида тиним йўқ. Улар партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини янги ғалабалар билан кутиб олиш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшган ҳолда ишламоқдалар. Улар техникани кўклам экишига тахт қилиб қўйиш учун барча тадбирларни кўряптилар. Суратда: механизаторлардан Офият Жабборова, Ҳамид Маликов ўртоқлар тракторни ремонт қилмоқдалар.

А. Абалян фотоси.



Чирчиқ электрохимия комбинати минерал ўғитлар цехи коллективи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш тўғрисидаги хушхабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Цех химиклари шу кеча-кундузда Пленум шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, дастлабки ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори, машъал машинист М. Холфутдинова иш устида.

В. Бойко фотоси.

ЯЙЛОВДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Район маданият бўлими чорва қишловининг асосий марказлари бўлган Бўзай ва Тентаксойда иккита доимий кутубхона ташкил этди.

Чорвадорларга кинофильмлар кўрсатишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чорвачиликка доир қисқа метражли кинофильмлар намойиш қилинмоқда. Яқинда Охунбобоев номли «Ўзбекистон», генерал С. Раҳимов номли колхозларнинг чорвадорларига «Она Хиндистон», «Амрликнинг емирилиши» бадиий фильмлари кўрсатилди.

А. НИШОНОВ,
Калинин район маданият бўлимининг инструктори.

ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

«Ленинобод» колхозининг пахтакорлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, давлатга анча миқдорда «оқ олтин» сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятни муваффақиятли адо этдилар.

Деҳқонлар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, бу йил янада кўпроқ пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Улар даладаги ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олганларидан кейин, экин майдонларининг ҳаммасини қисқа вақт ичида ғўзапоядан тозалаб қўйишди. Шундан кейин шудгор кучайтириб юборилди. Бу иш ҳам қисқа муддатда сифатли адо этилди. Эндиликда колхозчилар қишки ишларни жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Айниқса далага кўпроқ маданий ва маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Колхозчилар 1075 гектар пахта майдонининг ҳаммасини маҳаллий ўғитга тўйдиришга қарор қилдилар. Қисқа кунда 500 тоннага яқин маҳаллий ўғит далага чиқариб қўйилди. Ўнлаб тонна фосфор колхозга ташиб келтирилди. Колхозда маҳаллий ва минерал ўғит ташиш билан банд бўлган тўрт машинанинг ҳаммаси ҳам унумли ишлямоқда. И. Шомуродов, А. Ашуров, Т. Жўраев каби шоферлар ишга меҳр қўйиб, ўғит ташиш нормасини кундан-кунга ошириб бажармоқдалар.

Колхозчилар ариқ ва зовурларни тозалаш ишларини ҳам кучайтириб юбордилар. Бу ишга кўп колхозчилар фаол қатнашмоқдалар.

Шунингдек, Карл Маркс номли колхозда ҳам қишки ишлар кундан-кунга қизиб боряпти. Айниқса колхознинг Э. Аҳмедов, И. Беркинбоев, А. Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида намунали ишлар қилинмоқда. Бригада аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, мўл ҳосил етиштириш йўлида тинмай меҳнат қилишяпти. Молхоналардаги гўнглар далага ташиб чиқарилмоқда. Аравакаш ва тракторчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Шу сабабли ҳам бу бригадаларда қунига 100 тоннага етказиб ўғит ташиб чиқарилмоқда.

Н. ТЎФОНОВ,
С. САЙДИНОХУНОВ.
Оқкўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси.

МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Биз йилдан-йилга кўпроқ сабзавот ва полиз экинлари етиштириш учун астойдил меҳнат қиляпмиз. Бригадамиздаги ҳарбир деҳқон ишга меҳр қўйган. Улар эртадан то кечгача самарали меҳнат қилишади. Социалистик мусобақа бригада аъзолари ўртасида кенг қулоч ёйган. Шу сабабли ҳам дала ишлари юқори агротехника қоидалари асосида олиб бориляпти. Меҳнат деҳқонларни қувонтирмоқда. Ҳар гектар ердан олаётган ҳосилимиз йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Буни ўтган йилнинг якунларидан ҳам кўриш мумкин. Бригадамиз аъзолари картошка, сабзавот ва полиз экинларидан баракали ҳосил етиштирдилар. Планимизни ошириб бажардик. Мажбурият ҳисобига ҳам ўнлаб тонна сабзавот экинлари топшириб, шаҳарлик биродарларимизни хурсанд қилдик.

Бригадамиз аъзолари партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини ўрганиб чиқишгач, янада фидокорона меҳнат қилабошладилар. Ишдаги камчиликларни аниқлаб, ҳар гектар ердан кўпроқ ҳосил етиштириш йўлларини белгилаб чиқдилар. Бунинг энг муҳим омилларидан бири—ўғитлардан тўғри фойдаланиш эканлигини янада аниқ тушиниб олдилар. Биз бу йил бир грамм ҳам ўғитнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз. Ундан ўз вақтида, самарали фойдаланамиз. Шу сабабли ҳам 70 гектар еримизга 500 килограммдан суперфосфат солиб шудгорлаб қўйдик. Отхона ва молхоналардаги гўнгларни ҳам далага ташиб чиқаришни кучайтириб юбордик. Бизда маҳаллий ўғит жуда кўп. 3 минг тоннага яқин ўғитни ўзларининг ўзида дала бошига чиқариб қўйдик.

Фароғат ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Калинин бошқармасидаги Навоий номли колхознинг бригада бошлиғи.

ЧОРВАДОРЛАР, БУ КИТОБЛАРНИ ЎҚИНГ!

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ва декабрь Пленуми қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачиликни янада ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида самарали ишлар қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти эса ана шунга оид бир неча янги китоблар босиб чиқарди. Бу китобларда республикамиз чорвадорлари эришган муваффақиятлар айрим колхоз ёки совхоз мисолида атрофлича баён қилинади.

А. П. ЯНУШКЕВИЧнинг «Ихтисослаштириш — чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим резерви» деган китобчасида ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларининг ғўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги ютуқлари баён қилинган. Унда чорвачиликни ихтисослаштириш туфайли кам меҳнат ва маблағ сарфлангани ҳолда кўп маҳсулот етиштириб, яхши натижаларга эришоётган хўжаликларнинг бой тажрибалари умумлаштирилган. Китобчада пахтакор хўжаликларнинг кўпчилигида чорва маҳсулотлари етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд эканлиги уқтирилади. Автор ихтисослаштиришнинг чорвачилик турларини ривожлантиришдаги аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Ш. АКМАЛХОНОВ «Сутни кўпайтириш йўллари» деган китобча ёзди. Бу китобда илғор колхоз ва совхозларнинг кўплаб сут етиштириш ва унинг мойлилигини ошириш соҳасидаги тажрибалари баён этилади. Сигирларнинг сутини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун уларни намунали парвариш қилиш, озуқа бирлигини яхшилаш зарурлиги ва бунинг учун эса ҳар бир хўжаликда, албатта, мустаҳкам озуқа базасини яратиш кераклиги кўрсатиб ўтилади. Шуниндек, китобчада донгдор сут соғувчиларнинг тажрибалари, сигирларни соғадиган янги установкалар ҳақида ҳам маълумот берилган.

П. А. БАБИЧЕВнинг «Ўзбекистонда чорва биноларини вентиляциялаш» китобида чорва биноларини вентиляциялаш масалалари устида гап боради. Унда чорва биноларида қўлланиб келинаётган ҳаво тозалаш қурилмаларига оид барча янгиликлар умумлаштирилади. Китобда ҳаво тозалаш трубалари қуришнинг янги ва оддий ҳисоблаш усули тавсия этилади.

В. Н. ЧМИХАЛОВ «Чорвачиликни механизациялаш» китобчасида Ўзбекистон фермаларида механизацияни қўлланиш масалалари ёритилган. Унда намунали молхона, чўчқахона қуриш тафсилотлари берилган, молларни парвариш қилиш, озиқлантириш, соғиш ишларини механизациялаш кўрсатилган.

В. Н. ГОРЯШИН, А. Е. ЕФИМОВ. «Сигирларнинг маҳсулдорлигини оширайлик», деган китобча ёзишди. Бунда ҳорамолларни зотли буқалар билан чатиштириб, уларнинг сутларини кўпайтириш ва ёғ миқдорини ошириш устида гап боради.

И. В. ПОСТОЛОВ. «Комбинированные корма и их производство». Бу китобда озуқа тайёрлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар, унинг перспективалари ҳақида сўз боради, маҳаллий озуқалардан фойдалана билиш тўғрисида маслаҳатлар берилади.

С. МУМИНОВ.

СОВХОЗ ОБОД БЎЛМОҚДА

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 6-богдорчилик-узумчилик совхозида янгидан-янги ҳашаматли турар-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари қад кўтармоқда.

Совхоз марказидан ўтиб борар экансиз, турна қатор тизилиб кетган янги уйларни кўриб ҳавасингиз келади.

Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилоти совхоз ишчиларини янги уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор беряпти. Хўжаликнинг кўпгина ишчи-хизматчилари янги типда қурилган уйларда истиқомат қилмоқдалар.

Совхозда чорва моллари кўпайганлиги сабабли қўшимча биноларга қуриш лозим бўлиб қолди. Бу ўринда ҳам қўлқ гул бинокорлар ёрдамга келди. Қисқа вақт ичида иккита қўйхона, битта чўчқахона биноси қурилди.

Совхознинг хуснига-хусн қўшишда, обод қилишда ўртоқ Н. Воронин бошлиқ қурувчилар бригадасининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Б. УМАРОВ.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Ўтган 1963 йил Юқори Чирчиқдаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари учун катта зафарлар йили бўлди. Бу ерда чорвачилигининг барча тармоқлари бўйича юксак кўрсатгичларга эришилди.

Колхоз товуқбоқари ўртоқ Салтанат Ортиқова ўз боқимидаги 1400 та товуқдан топширидагига қараганда анча кўп тухум олиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Молбоқарлардан Н. Ғиёбоев ва Т. Хожибоев ўртоқлар бўрдоқичиликда энг юқори кўрсатгичларга эришдилар.

Колхоз товуқбоқари ўртоқ Салтанат Ортиқова ўз боқимидаги 1400 та товуқдан топширидагига қараганда анча кўп тухум олиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Молбоқарлардан Н. Ғиёбоев ва Т. Хожибоев ўртоқлар бўрдоқичиликда энг юқори кўрсатгичларга эришдилар. Моҳир чўпон ўртоқ С. Муҳдабоев эса 300 бош совлиқнинг ҳар биридан пландаги 3,2 килограмм ўрнига ўрта ҳисобда 4 килограммдан сифатли жун олишга муваффақ бўлди.

Чорвадорлар самарали меҳнат қилганликлари туфайли хўжаликда бу соҳадаги планлар ортиғи билан бажарилди. Колхоз давлатга 1417 центнер гўшт, 288 тоннадан кўпроқ сут, 187 минг дона тухум, 13 ярим тонна жун сотди.

Колхоз чорвадорлари бу йил ҳам ҳамма соҳада катта муваффақиятларга эришиш учун ҳозирданоқ нураш бошладилар. Чорвадорлар қишловга намунали тайёргарлик кўрганлар. Ферма бинолари нўнгилдагидек ремонт қилинди. 3500 тонна хашак, 5200 тонна силос, 100 тонна дон, 50 тонна лавлаги жамғарилди. Шунинг учун ҳам ҳозир чорва қишлови бошқалар ўрнак олса арзийдиган даражада намунали ўтаяпти.

Т. РУЗИМАТОВ.

Флора Аъзамовани Калинин колхоз аъзолари чин юракдан ҳурмат қилишади. Бу ҳурматга у ўзининг фидокорона меҳнати туфайли сазовор бўлмоқда. Флора ўз ҳамкасби Мавлуда Аъзамова билан биргаликда «арсоғмоқда. Улар бу йил 200 тонна» усулида 80 бош сигирни ахд қилишган. Суратда: ўртоқ Флора Аъзамова на сут соғиб олишга қатъий

А. Абалян фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Натижаларни маълум қилади

„Ҳаёт ўғриси“

Газетамизнинг 206-сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолада вафосиз эр Собир Одиловнинг шаҳар таъминот бўлими мудири Мунаввар Ориповага муҳаббат қўйиб, умр йўлдоши Миррайимовани касалванд қизи билан уйдан ҳайдаб чиқаргани; партия аъзоси М. Ориповонинг эса, бировнинг оиласини бузгани танқид қилинган эди.

Мақола Киров район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Орипова ўз айбига иқрор бўлди. Тинч оилани бузишга сабабчи бўлган коммунист М. Орипова қаттиқ огоҳлантирилди.

Мақола шаҳар Совети ижроия комитетида ҳам муҳокама қилинди. М. Орипованинг коммунистик ахлоқ қонун-қоидаларига лойиқ бўлмаган ҳаракатларини кўрсатди.

Одиловнинг алимент тўлашдан бош тортгани, хотин-қизларни алдаб йўлдан урганлиги юзасидан жиноий иш қўзғаш Фрунзе район прокурорига топширилган.



ЯНГИ „ЁШЛАР“ КАФЕСИ

Пойтахтнинг Чилонзор районидаги Волгоград кўчасида янги «Ёшлар» кафеси ишга туширилди. Кенг ва ёруғ хоналарда хўрандаларнинг яхши овқатланиб, яхши дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган.

М. Ҳамидқориев, Ф. Насруллаев ва Н. Близнецов каби юқори малакали ошпазлар тайёрлаётган миллий таомлар хўрандаларни мамнун этмоқда. Бу янги кафеда бир йўла 80 киши овқатланиши мумкин.

А. ЮСУПОВ,

Суратда: кафенинг умумий кўриниши.

А. Абалян фотоси.

ХИМИЯ РАССОМЛАР ИЖОДИДА

Инсон нималарга қодир эмас, дейсиз? Унинг қудрати билан тош устида гуллар унаяпти, дарёлар жилвланиб чўлларга сув чиқаяпти. Мана бугун совет кишиси мамлакатда «Катта химия» саноатини юксалтираяпти, мўъжизаларга бой фанни равнақ топдираяпти.

Рассом А. Балканов чизган бу плакатда ажойиб картина тасвирланган. Ишчи бир қўли билан химия колбасини баланд кўтариб турибди. Иккинчи қўлига эса химиявий йўл билан олинаётган синтетик материаллар, бойликларни тахлаб олган. Унда химиянинг маъмурчилик манбаи эканлиги жуда ҳам жонли бўёқларда тасвирлаб берилган.

В. Моргунов чизган расм яна ҳам мазмунли. Плакатнинг биринчи планида ишчи ва у яратган қудратли химия корхоналари кўкрак кериб турибди.

Ўзбекистон давлат нашриёти «Катта химия» темасига бағишлаб чиқараётган плакатлардан ташқари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида қилган доклади, Пленум қарорларидан олинган цитаталар асосида ҳам расмлар чизилмоқда. Нашриёт рассомларининг бу қимматли ишлари оммаоравасида «Катта химия»ни кенг пропаганда қилишда ёрдам берали.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Ленин районидаги эксперименталь мактаб-интернатда район химия ўқитувчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Окунский химиянинг халқ хўжалигидаги ўрни ҳақида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан 94-мактабнинг химия ўқитувчиси А. Сандиер, 146-мактабдан А. Бернштейн ва бошқалар мактабларда химия фанидан ўтказилаётган машғулотлар ҳақида ўз тажрибаларини ўртоқлашишди.

А. ОРТИҚХУЖАЕВ,
И. СОБИРОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

★ **Хурсанд бўлмай бўладими, узоқда бориб ўтиришнинг ҳожати қолмади. Калинин бошқармасидаги «Октябрь» колхозининг 1-бўлим меҳнаткашлари янги қурилиб ишга туширилган магазиндан истаган нарсаларини харид қилиб олишлари мумкин.**

У. КАРИМОВ.

★ **Олмалиқ конларга бой шаҳар. Илмга чанқоқ кончилар учун яқинда яна бир совға тақдим этилди. Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати ҳузуридаги илмий-техника халқ университетида янги кон бойитиш факультети очилди. Унда техника фанлари кандидатлари Г. Хетагуров ва Б. Степановлар лекция ўқишмоқда.**

М. ОТАҚУЛОВ.

★ **Ҳозир пойтахтимизнинг аэропорт шаҳарчасида янги турар-жой бинолари қад кўтармоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган 48 квартирали икки бинога ҳам аэропорт ишчи ва хизматчилари кўчиб келишди.**

Р. ИСМАТОВ.

КЎЧАТ УЙҚУСИДА ЭКИЛМОҚДА

Бизнинг шароитда «яшил дўстлар»нинг аҳамияти қандай катта эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Кўкаламзорлаштириш шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшиши билан бирга санитария-гигиена аҳволини яхшилашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу ишга ҳозир барча жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб киришган. Борлиқ оқ поёндоздан либос кийган шу кунларда ҳам дарахт экиш ишлари тўхтатилганича йўқ.

Ўтган кузги кўчат экиш ойлигида 700 минг ёки планда белгиланганидан 300 минг ортиқ кўчат экилди. 1963 йилнинг кузида экилган ва шу кечакундузда кўча ва ҳиёбонларга экилаётган кўчатларнинг кўпчилиги мевали дарахт — олма, нок, ёнғоқ, олча ва бошқа ниҳоллардир.

Октябрь райони кўчаларга мевали дарахт кўчатлари экиш ташаббускори бўлиб чиқди. Районда жамоатчиликнинг кенг иштирок этиши натижасида 20 минг тупдан ортиқ мевали кўчатлар экилди. Улуғбек, Металлист, Чайка, Огаҳий, Темир тоғ, Янги ҳаёт кўчалари чинакам мевали ҳиёбонларга айлантирилди.

Кўн-механика заводи, газет-журнал комбинати, 5-болалар санаторийси, автомобилларни ремонт қилиш заводи ва бошқа корхона, муассасларнинг иш чи-хизматчилари, 40, 41, 24-мактабларнинг коллективлари «Илгор», «Пахтакор», «Шарқ ҳақиқати» ва бошқа маҳалла меҳнаткашлари ўз территорияларида кўплаб дарахт кўчатлари экишди, ирригация шохобчаларини тартибга келтиришди, экскаватор, Тошкент кабель, лак-бўёқ заводлари территориялари чиндан ҳам ўрмон-боғга айлантирилди. Бу корхоналар коллективлари қаерда яшил дўстлар кўп бўлса, ўша ерда яхши ишлаб, яхши ҳордиқ чиқариш мумкинлигини билдилар.

Шаҳарни кўкаламзорлаштиришда 10-15 ёшлик манзарали дарахтлар — дуб, чинор, каштан кўчатлари экишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Меҳнаткашларнинг янада яхшироқ ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида янгидан-янги сквер, ҳиёбон ва боғлар бунёд этилмоқда. Ленин районидаги қишки сув бассейни ёнида янги ҳиёбонга асос солинди. Чилонзор аҳолиси Анҳор бўйида вужудга келтирилган паркда маза қилиб дам оладилар. Шунингдек, шу район жамоатчилиги кучи билан «Чайка» кинотеатри атрофида янги сквер ташкил этилди.

Ўз шаҳрини чин дилдан севучи пойтахтимиз аҳолиси фақат кўчат экиш билан чегараланиб қолмай, ирригация шохобчалари ва ўзлари яшаб турган жойларни озода сақлашлари лозим. Экилган кўчатларни сақлаб қолиш ва вақтида парвариш қилиш мактаб ўқувчилари, комсомоллар ва барча шаҳар меҳнаткашларининг шарафли бурчи бўлиши керак.

З. ФЕДОРОВА,

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бўлимининг бош агрономи.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ЯНВАРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Юлдузча** телевизион журнали, 18.50 — **Телевизион янгиликлар,** 19.10 — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари амалга оширилади. **Химия ишлаб чиқаришда** («Ташкенткабель» заводидан).

19.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.45 — **Минглаб қуёшга парвоз** (илмий-оммабоп фильм), 20.05 — **Дўстлик масофани билмайди** (ҳужжатли фильм), 20.25 — **Зонировлар оиласи нуйлайди,** 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.55 — **Буни унутиб бўлмайди** (Венгрия телестудияси фильми), 21.25 — **Тундаги қадамлар** номли киноповесть. 23.05 — **Куба новеллалари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I да **Номаълум ниши,** 15/I да **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/I да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15/I да янги аттракцион **«Йиртқич ҳайвонлар».** Ўргатувчи — **Вальтер Запашний.**

КИНО

Севги ва орзу — **«ВАТАН»,** НАВОИЙ номли, **«ИСКРА»** (кундуз ва кечқурун).

Шубҳаланган одам — **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

14, 15 январда

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган аргистлар **Меҳрихон Абдуллаева, Дилором Шерова, Аюб Қодиров,** солистлардан **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Тоштемир Шарипов, Фахриддин Дўстмуҳамедов** ва ансамбль коллективи қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ЕР ОСТИ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ

(водопровод, канализация, теплопровод, юқори вольтли кабель, газопровод, алоқа кабеллари ва бошқаларни)

ҚУРУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Архитектура-планлаштириш бошқармасига ва Ободончилик бошқармасига

20 январдан кечикмай

ШУ ҚУРИЛИШЛАРНИНГ

ГРАФИГИНИ

ТАҚДИМ ҚИЛИШЛАРИ ЛОЗИМ.

Кўрсатилган муддатгача график тақдим қилмаган ташкилот ва корхоналарга ўша ишларни бажариш учун руҳсат ва ордер берилмайди.

«УЗГЛАВБИТ»

ЭНГ ЯХШИ КИЙИМ-КЕЧАК ВА ПОЙАФЗАЛ УЧУН

иккинчи

республика конкурси

ЎТКАЗАДИ:

15 январда —кундуз соат 2 дан кеч 6 гача, Ленин номли фабрикада (Апанасенко кўчаси, 11-уй)— **энг яхши кийим-кечак учун.**

18 январда —кундуз соат 2 дан 4 гача, Маиший хизмат кўрсатиш Марказий уйида (Ленин кўчаси, 27-уй) — **энг яхши пойафзал учун.**

Бундан ташқари, Маиший хизмат кўрсатиш Марказий уйида кўриклар ҳам ўтказилади:

16 январда — **энг яхши причёска учун** ва 17 январда — **энг яхши фотография учун** (кундуз соат 2 дан кеч 6 гача).

Конкурс ва кўрикларда қатнашишни хоҳлаган гражданлар Ленин номли фабрикага ва Маиший хизмат кўрсатиш Марказий уйига гаклиф этилади.

Конкурсдан сўнг Маиший хизмат кўрсатиш Марказий уйида (Ленин кўчаси, 27-уй) ўша буюмларнинг энг яхши намуналари сотилади.

НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ

театр абонементлари сотиб олган кишиларга билдирадики,

АБОНЕМЕНТЛАРДАН

ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИ

1964 йил 1 мартгача давом эттирилган.

Бу муддатдан кейин, 1961, 1962, 1963 йилларда чиқарилган абонементлар бекор қилинади ва пули қайтарилмайди.

СУНЪИЙ НЕРВ

АПН

1959 йили биофизикада янги тушунча — нейристор тушунчаси пайдо бўлди. Нерв толаси вазифасини бажарувчи асбобни ана шу ном билан атадилар.

Нейристор ҳисоблаш машиналари тараққиётида катта истиқболлар очади. Нейристор билан ҳисоблаш машиналари ҳажмини бир неча бор қисқартириш ва уларнинг имкониятларини беқиёс ошириш мумкин. Фикрлаш операцияларни бажаришда фойдаланиладиган кибернетик машина инсон миясига — табиатнинг энг такомиллашган бу маҳсулига яқинлашиб қолиши мумкин.

Нейристорлар ҳозирча техникада қўлланилмайди. Улар олимлар дадил фантазиясининг маҳсулидир. Аммо, наҳотки техниканинг ҳозирги замон даражасида ана шундай асбобни яратиш мумкин эмас? Уни яратишнинг мураккаблиги нимада?

Нерв толаси ғалати ҳусусиятга эга — ташқи таъсир натижасида импульслар узлуксиз ва бир хил тезлик билан келиб туради. Маълум бўлишича нерв толасининг ўзи энергия аккумуляторларига эга. Бу аккумуляторлар бутун нерв бўйлаб бир-бирига яқин масофада жойлашган. Кучсизланиб қолган импульс аккумуляторларнинг бирига дуч келиб, энергия «олади» ва йўлда давом этади. Яна тўсиқ уни сўндира бошлаши ҳамон йўлда иккинчи аккумуляторга дуч келади. Бу ҳол навбатдаги нерв тўқимасигача давом этади.

Аккумулятор сигналда энергия запасини тўлатади. Бу ҳол рўй бериши биланоқ импульсга йўл очилади. Сигналларнинг маълум интервал билан келишининг сабаби энди аён. Аккумулятор разряди қандай келиб чиқади — бу ҳали маълум эмас.

Яқинда нерв вазифасини бажарувчи модель ясашга муваффақ бўлинди. Модель пастки қисмида тешиклари бўлган новдан иборат. Бу тешикларга коллектор орқали газ берилади. Новнинг бир учида чироғ ёқилади. Газ новда тўпланиб боради ва машъала йўқолиб кетади. Бироз вақтдан сўнг газ яна тўплана бошлайди ва нов орқали иккинчи импульс югуради. Бу ҳол нерв тўқимаси фаолиятига жуда ўхшайди.

Олимлар худди шунга ўхшаш, лекин фақат ёнувчи газ ўрнига электроника принциплари асосида ишловчи линиялар яратиш устида фикр юритмоқдалар. Энергия манбаи электрдан бўлиб, конденсатор тўпловчи вазифасини бажаради. Разрядли мосламаларга келсак, уни эҳтимол, ярим ўтказгич асбоблардан вужудга келтириш мумкин бўлар.

Совет биофизиги Генрих Берестовский икки нейристорли иш схемасини таклиф этди. Агар линияни ҳалқа қилиб унга импульс юборилса, линия доирада текис ҳаракат қилабошлайди. Бошқа томонга тарқалиб кетадиган линиялар ёнидан ўтатуриб, импульс ҳар сафар шу линия бўйлаб ўз нусхасини юборабошлайди. Бу билан ҳалқада импульснинг мавжудлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади.

Берестовский бирикмаларнинг иккинчи нусхаси—параллель нусхасини ҳам ясади.

Нейристорлардаги турли схемаларни икки хил ҳисоблаш системаси бўлган ҳисоблаш машиналарида фойдаланиш мумкин.

Нейристор устида олимлар олиб бораётган иш инсон техникада жонли табиатимиз жуда бой бўлган ажойиб янгиликларни мужассамлаштираётганлигининг бир тимсолидир. Мия фаолияти сирларини биз биладиган вақт узоқ эмас. Бу сирларни билиш янги, янада мукаммал ва универсал кибернетик аппаратлар яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Евгений ДУБИЦКИЙ.
(АПН).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Исроил Исмоилов ёш авлодни тарбиялаётганига 25 йил тўлди. Бу давр ичида унинг орттирган бой тажрибасидан минглаб ўқувчилар бахраманд бўлишди.

Исроил ака Оҳангаронга 1942 йилда келган эди. Унинг қўлида таҳсил кўрган кадрлар пледа с и н и республикамизнинг барча областларида учратиш мумкин. Ўқувчиларнинг севимли мураббийси ҳозир ўзи асос солган мактабда бошланғич синфл а р нинг илмий бўлим мудири ва ўқитувчилик касбида ишлаб келмоқда.

Суратда: ўқитувчи И. Исмоилов.

М. Просяной чизган портрет.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Уч кун давомида «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг бокс бўйича республика шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Ёш боксчилар иштирок этган бу мусобақаларда шаҳримизнинг чарм қўлқоп мастерлари ишқибозларни хурсанд қилдилар.

Вазн категориялари бўйича В. Кудряков, В. Богатирёв, В. Абгарьянц, Г. Люксембург, В. Захаров (ҳаммаси Тошкентдан), Б. Ниёзов ва П. Яцина (Бухоро), С. Боймшев ва Б. Ворончихилар (Нукус) жамиятнинг 1964 йил чемпиони номини олдилар.

Мусобақаларга яхши тайёргарлик кўрган пойтахтимиз боксчилари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

М. ИЛҲОМБЕКОВ.

ҚУВОНЧ ВА ДИЛСИЁҲЛИК

Мактаб ўқувчиларининг зона мусобақалари тамом бўлди. Бу мусобақалар Бутуниттифоқ мусобақаларининг финалида қатнашувчи энг кучли командаларни белгилаб берди. Мусобақалар спорт ишқивозларига қувонч ҳам, дилсиёҳлик ҳам келтирди.

Республикамизнинг ёш теннисчиларидан кейин қичик ракетканинг ёш мастерлари финалда курашни давом эттириш ҳуқуқини олдилар. Душанбадан қуйидагиларни хабар қилдилар: Ўзбекистоннинг йигит ва қизлари бу ерда стол тенниси бўйича ўтказилган учрашувларнинг ҳаммасини кафолатсиз ўтказиб, биринчи ўринни эгалладилар ва Куйбишевга бориш ҳуқуқини олдилар. Куйбишевда март ойида финал ўтказилади.

Волейболчилар ҳали ҳам муваффақиятсизликка учрамоқдалар. Катталар командасининг муваффақиятсиз натижаларидан кейин йигит ва қизлар турнир жадвалида охирги ўринни эгалламоқдалар. Йигитлар командаси бешинчи ўринни, қизлар командаси охирги, олтинчи ўринни эгаллади. Тошкентда бўлиб ўтган зона ўйинларида Москванинг йигит ва қизлар командалари ғолиб чиқдилар. Фрунзе шаҳрининг йигит ва қизлари, Харьковдан келган қизлар ва душанбалик йигитлар волейбол бўйича бундан кейинги мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олдилар. (ЎзТАГ).

Республика шахмат-шашка клубида Ўзбекистон қишлоқ спортчиларининг шахмат мусобақалари давом этмоқда. Суратда: Фарғона областининг вакили С. Олтинбоев бухоролик У. Умуров билан куч синашмоқда.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СЎЛ СОЦИАЛИСТЛАР ИТАЛИЯ СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ САФИДАН ЧИҚДИЛАР

РИМ, 11 январь. (ТАСС). Италия социалистик партиясининг сўл қаноти вакиллари бугун Римда ўтаётган конференциясида ана шу партия сафидан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Ненни раҳбарлигидаги оқим вакиллари социалистик партияга етакчилик қилмоқдалар. Улар Италия меҳнаткашларининг манфаатларига тўғри келмайдиган сиёсатни ўтказмоқдалар.

Сўл социалистлар пролетар бирлиги асосида Италия социалистик партиясини тузишга қарор қилдилар.

«АҚШ АРМИЯСИ АЙБЛИДИР»

ЛОНДОН, 11 январь. (ТАСС). Панама президенти Чиари Нью-Йорк радиоэшиттириш компанияси билан телефон орқали қилган суҳбатида, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири Нью-Йоркдан, Панамадаги Америка қўшинларини Панама аҳолисига ўт очишни тўхтатишга даъват этди. Студентлар можароларни бошлаб бермадиларми, деган саволга жавоб қайтариб, Чиари бундай деди: «Эҳтимол, уларнинг баъзилари бошлаб бергандир. Аммо энг катта айб АҚШ армияси зиммасига юкланади».

АГРЕССИВ ҲАРАКАТЛАР ҚОРАЛАНМОҚДА

МЕХИКО, 11 январь. (ТАСС). Бу ерда Панамадаги воқеалар муносабати билан Панама элчихонаси эълон қилган баёнотда бундай дейилади: Панама АҚШ қуролли кучларининг игвогарлик мақсадида қилган ҳужумининг қурбони бўлди. Ана шу ҳужум натижасида неча ўнлаб киши ўлдирилди ва неча юзлаб киши яралар бўлди.

«АҚШ, —дейилади баёнотда, — ўзининг агрессив ҳаракатлари билан Америка қитъасида тинчликни хавф остида қолдирди».

Панамадаги қонли воқеалар Мексика жамоатчилиги ва матбуотини газаблантирди.

СОМАЛИДА БЕПУЛ МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ

МОГАДИШО, 11 январь. (ТАСС). Сомали Республикасининг соғлиқни сақлаш министрлиги шу йил 1 январдан эътиборан, мамлакатда батамом бепул медицина хизмати кўрсатиш жорий этилганлигини эълон қилди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши АҚШнинг Панамага қарши қуролли агрессияси муносабати билан Панама канали зонасида вужудга келган хатарли аҳвол тўғрисидаги масалани қараб чиқишни ярим кечада тамомлади.

Кенгаш раислик қилувчи Боливия вакили Хустинианога, АҚШ ҳукуматига ва Панамага мурожаат қилиб, ўт очиш ва қон тўкишни тўхтатиш чораларини кўриш учун даъват этишни тавсия қилди.

Хавфсизлик Кенгашининг раиси мажлисни ёпар экан, Панама кўтарган масала Хавфсизлик Кенгашининг кун тартибида қолади, деди.

ЎТ ОЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Кеча кечқурун Панама канали зонаси чегараси районида яна милтиқлардан ўт очилди.

АП агентлиги Панама ҳукуматининг баёнотига асосланиб, канал зонаси чегарасини қўриқлаб турган Америка солдатлари милтиқлардан ўт очганлигини таъкидлайди. Панамаликлардан о л т и киши ярадор бўлган.

Панаманинг БМТга мурожаати

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Кеча Панаманинг БМТдаги доимий вакили Бойд Америка қўшинлари Панама гражданларининг тинч намойишини ўққа тутганлиги натижасида Панама канали зонасида вужудга келган аҳволни муҳокама қилиш учун шошилинч суратда хавфсизлик Кенгашини чақиришни илтимос қилди.

Кеча маҳаллий вақт билан соат 21.30 да (Москва вақти билан 11 январь соат 5.30 да — редакция эслатмаси) Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси ўтказилажаги БМТ штаб-квартирасида эълон қилинди. Мажлис Панаманинг БМТдаги доимий вакили Бойднинг илтимосига биноан чақирилган.

МИЛЛИЙ МОТАМ КУНИ

ПАНАМА, 11 январь. (ТАСС). Америка солдатлари панамаликларнинг тинч намойишини ўққа тутган 10 январь куни Панамада миллий мотам куни деб эълон қилинди.

МИСР ХАЛҚИ ҲАЙРИҲОХ

ҚОҲИРА, 11 январь. (ТАСС). Маҳаллий матбуот кейинги вақтларда Панамада бўлаётган воқеаларга катта эътибор бермоқда.

«Алжумҳурия» газетаси бундай деб ёзади: Панама канали халқ қонини тўкиш йўли билан қурилган эди. Бу канал Панамани узоқ вақт мобайнида оккупация қилиш учун бир баҳона бўлиб келди.

Газета Панама канали билан Сувайш каналини бир-бири билан таққослаб, Панама халқи Сувайш каналининг национализация қилинишини келгусида галаба қозониш учун бир муқаддима деб билади, деб таъкидлайди.

«Алжумҳурия» газетаси яна қуйдагиларни ёзади: Қўшма Штатлар ҳар қандай найранг ишлатганларида ҳам Панама халқи ғалабага эришади.

Ҳозирги вақтда, деб ёзади пировардида газета Латин Америкасида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Панама халқи учун икки йўл бор. Бу —Сувайш каналини национализация қилган Миср халқининг йўли, ёки Куба революцияси йўлидир.

АҚШ БИЛАН ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН, 11 январь. (ТАСС). Панамадан хабар беришларича, Панама ҳукумати Панама каналини бошқариш ҳақидаги АҚШ билан шартномани бекор қилади ва бу шартнома қайта кўриб чиқилмагунча Панама АҚШ билан ўз дипломатик муносабатларини тикламайди, деб эълон қилган.

Панама президенти Чиари президент Жонсон олдига канални бошқариш ҳақидаги шартномани қайта кўриб чиқиш масаласини қўйганлигини кеча кечқурун Вашингтондаги Оқ уйда тасдиқладилар.

ПАНАМАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Информация агентликларининг хабарларига кўра, Панамада аҳвол кескинлигича қолмоқда. Мамлакатда Америкага қарши намойишлар давом этмоқда. Панама канали зонасининг чегараси бўйлаб жойлашган америкалик солдатлар кеча кечқурун Панама аҳолисига қарата яна ўт очганлар. Ярадор бўлганлар бор.

9 январда ёшлар намойиши қатнашчиларидан Америка қўшинларининг ўч олиши натижасида қурбон бўлганларга мотам тутиб, бутун мамлакатда Панама миллий байроқлари тушириб қўйилди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР УЗИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Панамадан олинган хабарга кўра, Панама ташқи ишлар министри Галилео Солис АҚШ давлат секретари Дин Раскка телеграмма юбориб, Панама АҚШ билан ўз дипломатик муносабатларини узилган деб ҳисоблаганлигини хабар қилган.

ИШ ҚИДИРИБ

РИМ, 11 январь. (ТАСС). Ўтган 1963 йилда 350 минг итальян деҳқони қишлоқларни ташлаб, иш қидириб шаҳарларга кетди. Бу ҳақда марказий статистика институти хабар бериб, жумладан ёзадики, мамлакат бутун аҳолисининг деҳқонлар қисми фақат 1963 йилнинг ўзида 27,8 процентдан 26,3 процентга тушиб қолган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими —31936, Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 05037. ИНДЕКС 64695 Нашр. № Б. 1669.